

## Ўзбекистон Афғонистондаги террорчилик оқибатида ҳалок бўлганларнинг яқинларига таъзия билдирди



21:00 / 10.10.2021 1664

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги жорий йил 8 октябрь куни Афғонистоннинг Қундуз шаҳрида жума намози пайтида бўлиб ўтган террорчилик ҳаракати ҳақида баёнот қилди. Бу ҳақда [mfa.uz](http://mfa.uz) сайти хабар беради.

Ушбу баёнотда:

«Ўзбекистон шу йилнинг 8 октябрида Афғонистоннинг Қундуз шаҳрида жума намози пайтида кўплаб қурбонларни келтириб чиқарган террорчилик ҳаракатини кескин қоралади.

Бундай зўравон ҳаракатлар Афғонистонда барқарор ва узоқ муддатли тинчлик ва миллий келишувни ўрнатишга тўсқинлик қилади.

Ўзбекистон ҳукумати ушбу ғайриинсоний ҳужумда ҳалок бўлганлар ва жароҳатланганларнинг оилаларига чуқур ҳамдардлик ва таъзия изҳор этади», дейилади.

**Манба: [mfa.uz](http://mfa.uz)**